

---

## МАРҒИЛОН ШАҲРИДА ЯНГИ ИШ БОШЛАГАН КОРХОНАДА 80 НАФАР ИШСИЗ ФУҚАРОЛАРНИНГ БАНДЛИГИ ТАЪМИНЛАНДИ

Марғилон шаҳридаги «Қашқар» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида «Сайфуллоҳ асл мато» номли унитар корхона ўз фаолиятини бошлади.

Бугун ушбу корxonанинг тантанали очилиш маросими ўтказилди. Маросимда сўз олган шаҳар ҳокими Адҳам Зиявитдинов ушбу корхонада асосан ногиронлиги бор бўлган фуқаролар, шунингдек «Темир дафтари» ва «Аёллар дафтари»да рўйхатда турувчи 80 нафар хотин-қизларнинг бандлиги таъминланганлигини алоҳида эътироф этиб ўтди.

- Корxonамизда аёллар ва эркаклар учун мўлжалланган мавсумий трикотаж маҳсулотлари, қолаверса болажонлар учун бежирим бўлган кийим-кечаклар, шунингдек, турли хил ўлчам ва кўринишдаги чойшаблар тикиб чиқарамиз, - дейди корхона раҳбари Гулзодахон Баҳодирхонова. - Маҳсулотларимиз сифатли ва албатта ҳамёнбоп нархларда бўлади, Россиянинг Санкт-Петербург шаҳрига, шунингдек, қўшни Тожикистон ва Қирғизистон республикаларига ҳам экспортни амалга оширишни ният қилганмиз.

2023-03-24 15:43:56